

**“ALYANS AUTO” MASBULIYATI CHEKLANGAN IK
JAMIYATIDA KORRUPTSIYAVIY XAVF-XATARLARNI
BAHOlash USLUBIETI**

Тошкент 2025-йил

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт “ALYANS AUTO” МЧЖда (бундан буён – Жамият) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда Жамият раҳбарияти ва ходимларига юкланган функция ва мажбуриятлари доирасида юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни минималлаштириш ва бошқариш бўйича ягона ёндашувни белгилаб беради.

2. Мазкур услубиёт харидларни амалга ошириш ва ходимлар билан меҳнат муносабатларини тартибга солиш жараёнларида юзага келишини мумкин бўлган коррупцион хавфларни бошқариш учун қўлланилмайди. Ушбу коррупцион хавфларни бошқариш алоҳида ҳужжатлар доирасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022-йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли қарори талабларига асосан хавф-хатарларни баҳолаш, мазкур қарор билан тасдиқланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиётига” асосан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар Жамиятдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг қўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

5. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутди:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Жамиятда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

6. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Жамиятнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Жамият тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Жамият функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

7. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қолдиқ хавф-хатар - коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул қилингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар — ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш - Жамият томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси - Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Жамият функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

коррупциявий ҳаракатлар - ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

тартиб-таомил - Жамият функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция - бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган

Жамиятнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

Эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса юзасидан маълум бир соҳада махсус билимларга эга жисмоний шахс томонидан берилган хулоса.

ўзига хос хавф-хатар – Жамият фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

тизим корхоналаранинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Жамият тизим корхоналарида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

8. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс хизмати томонидан Жамият раҳбари топшириғи асосида амалга оширилади. Жамият раҳбари топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

9. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс хизмати куйидаги вазифаларни амалга оширади:

Жамият бўлинмаларидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда Жамиятда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек Жамият, тизим корхоналарига мазкур Услугада кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича кўрсатмалар ва маслаҳатлар беради;

Жамият раҳбарига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупцион хавфлар бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупцион хавфлар бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини умумлаштиради ва Жамиятнинг коррупцион хавфлар бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу Услугада кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Комплаенс хизмати зарур ҳолларда Жамият тизим корхона раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

10. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ўз бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказди;

ўз бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни харитасини тузади, коррупцион хавфлар бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқишлишини ташкиллаштиради ва ушбу Услугада кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

ўз бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ушбу Услугада кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда Жамият бошқа бўлинмалари ёки ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш

11. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳоланишнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

12. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини баҳолаш ва тегишли функциялар ва жараёнлардоирасида Жамият ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳоланиш ўз ичига олади.

13. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, пастдан (Жамият бўлинмаларидан) тепага (Жамият раҳбарияти даражасигача), мазкур бобнинг 13-24 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

14. Комплаенс хизмати ушбу Услугага 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Жамиятнинг бўлинмаларига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Комплаенс хизматига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

15. Жамият бўлинмалари томонидан Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқилиб, Комплаенс хизматига Жамият учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади.

16. Жамият бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Комплаенс хизмати ходимлари тегишли бўлинмаларга изох бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

17. Комплаенс хизмати ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

18. Жамият бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Комплаенс хизмати Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

19. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, Жамият бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

20. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси Жамият Комплаенс хизмати тақдимномасига асосан Жамият раҳбари томонидан тасдиқланади.

21. Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида юқори ва ўрта хавф даражасида баҳоланган коррупциявий хавф-хатарлар учун масъуллар ушбу Услубиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига киритилади.

22. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс хизмати тақдимномасига асосан Жамият раҳбари ва тегишли тизим қорхоналар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

23. Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида юқори ва ўрта хавф даражасида баҳоланган Коррупциявий хавф-хатарлар билан ишлаш доирасида бўлинмалар томонидан ушбу коррупцион хавфлар бўйича чора-тадбирлар режаси Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш кун ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

24. Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури 6-иловага мувофиқ Жамият бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Комплаенс хизмати томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Жамият раҳбари томонидан тасдиқланади.

25. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларнинг қайта баҳолаш доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Жамият раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

3-боб. Жамиятда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

26. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Жамиятнинг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари (мисол учун, низомлар, проседуралар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу биланбирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари; манфаатдор томонлар ва шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан

ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Жамиятнинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Жамият фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа

каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шужумладан аноним мурожаатлар;

Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

27. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Жамиятнинг ҳар бир функцияси, жараёни ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

28. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қуйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

Коррупциявий хавф-хатарнинг вужудга келиш эҳтимоли (1 баллдан – 5 баллгача);

Коррупциявий хавф-хатарнинг вужудга келиши натижасидаги оқибатлар (5 баллдан – 25 баллгача).

29. Коррупциявий хавф-хатар оқибат даражаси аниқлаш қуйидаги мезонлар йиғинидисини ҳисоблаш орқали амалга оширилади:

- молиявий зарар даражаси (1 баллдан – 5 баллгача);
- ташкилот имиджига зарар даражаси (1 баллдан – 5 баллгача);
- ҳуқуқий оқибатлардан зарар (1 баллдан – 5 баллгача);
- бизнес жараёнларга таъсири (1 баллдан – 5 баллгача);
- ижтимоий-ахлоқий таъсири (1 баллдан – 5 баллгача).

30. Коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарни вужудга келиш эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 4-илоvasи 1.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётининг 4-илоvasи 1.2 жадвалидаги мезонларга қаранг) нинг купайтмасини ҳисоблаш орқали амалга оширилади.

31. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарлар қуйидаги уч тоифага ажратилади: юқори коррупциявий хавф-хатарлар (61 баллдан – 125 баллгача);

ўрта коррупциявий хавф-хатарлар (31 баллдан – 60 баллгача); паст коррупциявий хавф-хатарлар (5 баллдан – 30 баллгача).

32. Коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш натижасида унинг қайси хавф-хатар тоифасига тўғри келиши ушбу услубиётнинг 5-илоvasидаги матрисадан фойдаланиб амалга оширилади.

5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари

33. Жамиятда юқори ва ўрта коррупциявий хавф-хатарлар нисбатан қуйидаги усуллардан бирини қўлланилади:

ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва жамият фаолиятини (вазифа, функция ва жараёнларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

жамият фаолиятини (вазифа, функция ва жараёнларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

жамият ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида жамият томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

жараёнларни соддалаштириш, асоссиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб- таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

жамият томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш;

коррупциявий хавф-хатарларни вужудга келтираётган функция, вазифа ёки жараёндан воз кечиш;

коррупциявий хавф-хатарларни вужудга келтираётган функция, вазифа ёки жараёни ауцорсингга бериш орқали назорат қилиш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш имкони бўлмаганда функция, вазифа ёки жараёни қўшимча назорат механизмларини жорий этиш орқали мониторинг қилиб бориш.

Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

34. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора Жамият ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олинishi зарур.

35. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади.

36. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Компаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

6 боб. Якуний қоидалар

37. Зарурат бўлганда, Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Комплаенс хизмати томонидан Жамият раҳбарига таклифлар киритилади.

“Alyans Auto” МЧЖда коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услугиётига
1-илова

“Alyans Auto” МЧЖнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси

[illegible]

_____ бўлинмасининг Коррупцион хавфлар бўйича чора-тадбирлар режаси

№	Коррупциявий хавф-хатар тавсифи	Коррупциявий хавф-хатарни миниммаллаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими)	Кутилаётган натижа
	1. Функцияси номи _____				
	1.1. Жараён номи _____				
	1.2. Жараён номи _____				
	2. Функцияси номи _____				
	2.1. Жараён номи _____				
	2.2. Жараён номи _____				

4.1-жадвал – Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини аниқлаш мезонлари

Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини аниқлаш мезонлари	Коррупциявий хавф-хатар юзага келиш эҳтимоли*				
	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
Жараён рақамлаштирилганлик даражаси бўйича					
Жараён тўлақонли рақамлаштирилган					
Жараён қисман рақамлаштирилган					
Жараён рақамлаштирилмаган					
Инсон омили таъсири даражаси бўйича					
Инсон омили мавжуд эмас					
Инсон омили қисман мавжуд					
Тўлақонли инсон омили таъсиридаги жараён					
Қарор қабул қилишга масъуллик даражаси бўйича					
Қарор инсон омилсиз қабул қилинади.					
Қарор 5 ва ундан ортиқ бўлган коллегиял орган томонидан қабул қилинади					
Қарор 5 кишигача бўлган коллегиял орган томонидан қабул қилинади					
Қарор коллегиял тарзда бир бўлим ходимлари томонидан қабул қилинади					
Қарор бир инсон томонидан қабул қилинади					
Жараён ҳужжатлаштирилганлиги даражаси бўйича					
Жараён тўлақонли ички ва ташқи ҳужжатларда тартибга солинган.					
Жараён қисман ички ва ташқи ҳужжатларда тартибга солинган.					
Жараён умуман ички ва ташқи ҳужжатларда тартибга солинмаган.					
Жараён назоратга олинганлиги даражаси бўйича					
Жараён тўлақонли инсон омилсиз назоратга олинган.					
Жараён қисман инсон омилсиз назоратга олинган.					
Жараён тўлақонли инсон омили билан назоратга олинган.					
Жараён қисман назоратга олинган.					
Жараён умуман назоратга олинмаган.					
Жараён билан боғлиқ коррупцион ҳодисалар мавжудлиги бўйича					
Жараён билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар бўлмаган.					
Жараён билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар 5 йил ва ундан ортиқ бўлган					
Жараён билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатда бўлган.					
Жараён билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатда бўлган.					
Жараён билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар охириги 1 йил ичида содир бўлган.					
Жараён юзасидан ташқи томонлар билан алоқалар мавжудлиги бўйича					
Жараён юзасидан ташқи томонлар билан алоқалар йўқ					
Жараён юзасидан ташқи томонлар билан алоқалар мавжуд, аммо ушбу алоқалар корпоратив электрон дастурлар орқали амалга оширилади.					
Жараён юзасидан ташқи томонлар билан алоқалар мавжуд, аммо бу алоқалар ташкилот ҳудудида видео кузатув ва аудио ёзиб олинган махсус хоналарда амалга оширилади.					
Жараён юзасидан ташқи томонлар билан алоқалар мавжуд ва бу алоқалар ташкилот ҳудудида назоратсиз амалга оширилади.					
Жараён юзасидан ташқи томонлар билан алоқалар ташкилот ташқарисида назоратсиз амалга оширилади.					

* Ушбу матрица ёрдамида ҳар бир коррупцион хавф-хатар барча йўналишлар бўйича баҳоланиши лозим. Баҳолаш натижаси бўйича Коррупциявий хавф-хатар юзага келиш эҳтимолини белгилашда йўналишлар ичидаги энг юқори бўлган балл танлаб олинади.

**4.2-жадвал – Коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат (таъсирчанлик)
даражасини аниқлаш мезонлари**

1. Молиявий зарар даражаси.

1 балл	Молиявий йўқотишлар йўқ
2 балл	Кичик йўқотишлар (йиллик даромаднинг 1–5%).
3 балл	Ўртача йўқотишлар (йиллик даромаднинг 5–10%).
4 балл	Катта йўқотишлар (йиллик даромаднинг 10–20%).
5 балл	Критик йўқотишлар (йиллик даромаднинг 20% дан кўпроғи).

2. Ташкилот имиджига зарар даражаси.

1 балл	Ташкилот имиджига зарар йўқ
2 балл	Имиджга озгина салбий таъсир (маҳаллий ҳодиса).
3 балл	Имиджга ўртача салбий таъсир (маҳаллий ОАВ ва блогларда ёритиш).
4 балл	Имиджга сезиларли салбий таъсир (миллий оммавий ахборот воситаларида ёритиш).
5 балл	Имиджнинг жиддий ёмонлашиши (асосий мижозларнинг ишончини йўқотиш, кенг қўламли жанжал, бойкот).

3. Ҳуқуқий оқибатлардан зарар.

1 балл	Ҳуқуқий оқибатлар йўқ
2 балл	Ташкилот ходимларига нисбатан маъмурий жавобгарлик
3 балл	Эҳтимолий молиявий йўқотишлар ва вақтинчалик чекловлар билан суд жараёни
4 балл	Ташкилот ходимларига нисбатан жиноий жавобгарлик
5 балл	Фаолиятни амалга оширишга таъқиқ ёки маҳлум ҳуқуқларни йўқотиш.

4. Бизнес жараёнларга таъсири.

1 балл	Бизнес-жараёни амалга оширишга таъсири йўқ.
2 балл	Бизнес-жараёни амалга оширишда вақтинчалик қисқа кечикишлар.
3 балл	Бизнес-жараёни амалга оширишда жиддий кечикишлар.
4 балл	Бизнес-жараёни амалга ошириш сифатига таъсир етиши.
5 балл	Бизнес-жараёни тўлақонли тўхтаб қолиши.

5. Ижтимоий-ахлоқий муҳитга таъсири.

1 балл	Ижтимоий-ахлоқий муҳитга таъсири йўқ
2 балл	Ходимларнинг ҳолат юзасидан кичик норозилик эҳтимоли
3 балл	Ташкилотнинг муҳим ходимларининг норозилиги ва уларнинг ўз ҳоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиши.
4 балл	Маҳаллий ҳамжамиятнинг ишончини йўқотиш
5 балл	Оммавий иш ташлашлар ва норозилик намойишлари.

Коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш матрицаси

Коррупциявий хавф-хатарнинг вужудга келиши натижасидаги оқибатлар	Коррупциявий хавф-хатарнинг вужудга келиш эҳтимоли				
	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
5 балл	5	10	15	20	25
6 балл	6	12	18	24	30
7 балл	7	14	21	28	35
8 балл	8	16	24	32	40
9 балл	9	18	27	36	45
10 балл	10	20	30	40	50
11 балл	11	22	33	44	55
12 балл	12	24	36	48	60
13 балл	13	26	39	52	65
14 балл	14	28	42	56	70
15 балл	15	30	45	60	75
16 балл	16	32	48	64	80
17 балл	17	34	51	68	85
18 балл	18	36	54	72	90
19 балл	19	38	57	76	95
20 балл	20	40	60	80	100
21 балл	21	42	63	84	105
22 балл	22	44	66	88	110
23 балл	23	46	69	92	115
24 балл	24	48	72	96	120
25 балл	25	50	75	100	125

_____нинг Коррупцияга қарши курашиш Дастури

№	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими)

**Коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган
лавозимлар РЎЙХАТИ**

№	Бўлинма номи	Лавозим (функцияларини бажариш учун масъул бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда)